
#БРИФИНГ

Бугун Риштон тумани ҳокимлигида Риштон тумани ҳокими ўринбосари инвестиция ва ташқи савдо бўлими бошлиғи Абдуқаҳҳор Жўрабоев иштирокида брифинг ўтказилди. Унда туманимизда 2022 йилнинг биринчи ярмида инвестиция дастури доирасида қилинган ишлар юзасидан маълумот берилди. Хусусан, дастур доирасида 7 та лойиҳа, қиймати 14 млрд. 986 млн сўм бўлган лойиҳалар ишга туширилиб, фойдаланишга қабул қилиниши натижасида 215 та янги иш ўрни яратилди. Саноат йўналишида 3 та лойиҳага 9 млрд. 660 млн.сўм, шундан ўз маблағлари ҳисобидан 7 млрд.160 млн.сўм сарфланиб, 181 та янги иш ўринлари яратилди. Мисол учун, "ММ ПОРСЕЛАИН" МЧЖ" МЧЖ томонидан жами 2 млрд. 300 млн.сўм, ўз маблағлари сарфланиб, "Чинни буюмлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш" лойиҳаси амалга оширилди ҳамда лойиҳанинг биринчи босқичида 89 та янги иш ўринлари яратилиб фойдаланишга қабул қилинган. Хизмат кўрсатиш йўналишида 2 та лойиҳага 2 млрд.800 млн.сўм, шундан ўз маблағлари ҳисобидан 2 млрд.сўм ва банк кредити ҳисобидан 800 млн.сўм маблағлар сарфланиб, 22 та янги иш ўринлари яратилди. Мисол учун, "Камалак 555" НТМ томонидан жами 1 млрд. 800 млн.сўм, шундан 1 млрд.100 млн. сўм ўз маблағи ва 700 млрд.сўм миқдоридан кредит маблағлари сарфланиб, "Давлат хусусий шерикчилигидаги нодавлат мактабгача таълим муассасси ташкил этиш" лойиҳаси амалга оширилди ҳамда 18 та янги иш ўринлари яратилди. Қишлоқ хўжалиги йўналишида 2 та лойиҳага 2 млрд. 526 млн.сўм, шундан ўз маблағлари ҳисобидан 1 млрд. 138 млн.сўм ва банк кредити ҳисобидан 1 млрд. 388 млн.сўм маблағлар сарфланиб, 12 та янги иш ўринлари яратилди. Мисол учун, "Зоҳиджон Юнисали хожи ўғли" фермер хўжалиги томонидан жами 1 млрд. 488 млн.сўм, шундан 600 млн. сўм ўз маблағи ва 888,0 млн.сўм миқдоридан кредит маблағлари сарфланиб, "Чорвачиликни ривожлантириш" лойиҳаси амалга оширилди ҳамда 7 та янги иш ўринлари яратилди. Умуман олганда, ҳудудий инвестиция дастури доирасида туманимизда 2022-2023 йилларда 490 млрд 919 млн.сўмга тенг 61 та инвестиция лойиҳалар амалга оширилиши, 1643 та янги иш ўринлари яратилиши белгиланган бўлиб, ушбу дастурларни амалга ошириш бўйича кенг кўламдаги ишлар олиб борилмоқда.

2022-07-13 14:42:54